



«Насронийлар жумласига Искандариядан чиккрн, Худонинг мутлак ягоналигини, Исо алайхиссалом илохий сиймо эмас, Худо яратган банда холослигини, унинг Рухуллохлиги, еру осмон Аллох таолонинг каломи ила яратилгани каби дунёга келганини таъкидлаган кашиш Арийнинг издошларидан ташкил топган гурух ҳам киради. Ушбу кашиш Константинополни бунёд этган, Рум подшолари орасида насронийликни биринчи бўлиб Арий таълимотига мувофик қабул қилган Константин Биринчи замонида яшаган».(«Ал-фаслу фил-милоли вал ахваи ван-нихол».) Имом Ибн Хазм Андалусий

«Константин ва унинг давомчилари тринитаризмга даъват этган никейчи рахнамоларнинг ҳаётини нихоятда аянчи ахволга солиб қўйди».Тарихшунос олим Марк Эллингсен

Айрим одамлар Исломни тиланчилару заифлар дини эканлигига комил ишонч ҳосил қилиб олишган. Аслида бу мутлако хато фикрдир. Ислом шариати замиридаги эҳсон, адолат ва тенглик гоёлари чиндан ҳам бошига тушган азоб-укубат ва адолатсизликдан

фориг бўлишга умид киладиган факирлару мазлумларни ўзига жалб килади. Зеро, улар динимиз таълимотида ўзларига нажот топа билишади. Бирок бу Ислом факат кашшок ва тиланчилар дини бўлиши учунгина туширилганисира англатмайди. Ислом - ҳолатию ахволидан катъи назар барча ламларнинг динидир. Соғлом фикр юритишга кодир хар қандай киши шнимиз акл-идрок ва ҳаммага маълум мантик талабларига жавоб бериб, қалб унда ҳаловат топишини тушунади. Айнан шу сабабдан ҳам дамларнинг бошқа тоифалар билан бир вақтда, кўпдан-кўп бойлару ҳукумат соҳиблари ҳам динимизга эргашган.

Рум салтанатининг энг буюк императори ҳам мусулмон бўлганидан абарингиз борми? Асаримизнинг мазкур бобида тарихшуносларнинг фикрича башарият тарихида энг буюк ҳисобланган, хусусан, Рум подшолигини Британия оролларида тортиб Ироккача, Германиядан тортиб Шимолий Африкагача янгитдан бирлаштира олган император ҳақида ҳикоя қилинади. Бу ҳукмдор Византия империясига асос солган бўлиб, қадимий Византия шаҳри харобалари ўрнига ўз шарафига ном берилган, забот этиб бўлмайдиган Константинополь шаҳрини бунёд этди. Уша подшоҳнинг исми - Гай Флавий Валерий Аврелий Константин бўлиб, тарихда кўпроқ Константин Биринчи ёки Буюк Константин номи ила танилган.

Айримлар таажжубланиши ҳам мумкин: «Эътиқоднинг Никей рамзи» дея ном олган, насронийлик тарихида биринчи марта Исо алай-ҳиссаломнинг Худолиги қайд этилган ҳужжатнинг тан олиниши ва бу билан Исо алайхиссаломнинг яққахудолик таълимоти мазмунан бузилишида салбий роль ўйнаган император қанақасига мусулмон бўлиши мумкин? Ушбу саволга жавоб бир аёл зиммасига юкланган буюк вазифа замирида беркинган бўлиб, Аллох таоло ўша вазифа ижроси орқали қурраи заминдаги тарих жараёнини ўзгартириб юборди. Таъқидлаб ўтмоқ жоизки, аёлларнинг тарихда тутган ўрни, айримлар ўйлагандек, назар илмас ёки иккинчи даражали эмас. Аксинча, уларнинг ўтмишдаги роли ҳамиша муҳим аҳамиятга эга бўлиб келган. Тарихни дурустроқ ўрганиб чиққан киши ўтмишнинг турли босқичларида тушқунликка юз тутган у ёки бу миллатнинг уйғониши бутун бошли халқнинг ахволини ўзгартиришга эриша билган ёлғиз бир аёлнинг тутган иши сабабли рўй берганига ишонч ҳосил қилади. Ушбу ҳақиқатни тасдиқлайдиган энг яхши мисол тариқасида фиръавнлар қўлида кўп йиллар ҳўрланган бани Исроил қавмининг атиги бир аёл - Мусо алайхиссаломнинг онаси тутган иш туфайли ҳалос бўлгани ҳақидаги ривоятни келтириш мумкин.

Ҳақиқатан ҳам... Исо алайхиссаломнинг издошлари бўлмиш, Ягона Аллохга эътиқод қилган заиф мусулмонлар обрўйининг қўтарилиш жараёни, Аллохнинг иродаси ила, бир аёл туфайли бошланиши бировнинг ҳаёлига ҳам келмаган. Бу аёл Рум императори Константин Биринчининг онаси - ҳокон аёл Елена бўлиб чиқди. Ушбу аёл аслида Исо алайхиссаломнинг илоҳий эмас, инсоний табиатига ишониб, яққа худолик дини бўлмиш Исломга, яъни ўша даврда арийчилар дини дея номланган динга эътиқод қилганини черков ўзининг насроний қавмидан узок вақт беркитиб келган. Елена ўз эътиқодини сир тутган аёллардан бўлмаган. Аксинча, у Исо алайхиссаломни илоҳийлаштириш бидъатига даъват этган никейчиларга қарши қурашга қатта қуч сарфлаган.

Агар диндошларимиздан бирор киши Еленанинг қимлигини билмаса, айтмоқ жоизки, христианлар бугунги қунгача уни энг нуфузли аёллардан бири сифатида қадрлаб, «Муқаддас Елена» дея аташади. Насроний манбаларга мувофиқ, унинг христианлик олдида қўрсатган хизмати насронийларнинг қомил ишончига қўра, Исо алайхиссалом чормиҳга тортилган бутнинг (крестнинг) турган жойини топганидан иборат. Биз буни

ишониб бўлмайдиган маълумот сифатида эътироф этсак-да, ўша ривоят Еленанинг эътикодига ҳеч қандай салбий таъсир ўтказмаган. Елена Исо алайхиссаломнинг чормихга тортилганини фараз қилган ҳам дейлик, аммо бундай фаразидан унинг маслағига путур етмаган. Чунки у аёл Исо алайхиссаломни илохий сиймо сифатида эмас, оддий инсон, Аллохнинг элчиси сифатида кўрган, холос. Боз устига, ўша давр насронийларининг аксарияти аслида чормихга Исо алайхиссалом эмас, унга ўхшаб кетадиган бошқа киши тортилганини билишмаган. Ягона Аллохга эътикод қилган насронийларнинг ўша крестга доир ташвиши, агар у ҳақиқатда бўлган деб фараз қилинса, Пайгамбарнинг қони теккан буюм борасидаги ташвишдан ортик нарса бўлмаган. Куръони қарим Исо алайхиссаломнинг чормихга тортилганини рад этади, албатта. Лекин ҳозир биз Муҳаммад соллаллоху алайхи васалламнинг пайгамбарлик рисолати бошланишидан анча олдинги давр ҳақида сўз юритмоқдамиз. Бинобарин, ўша даврда яшаган одамларнинг чормихга тортилиш билан боглик тафсилотлардан беҳабарлигини узрли ҳолат деб билмоқ лозим. Эҳтимол, ўша крест аксарият насронийлар учун рамздан ўзга нарса эмасдир, худди ҳилол тасвирини кўпчилик мусулмонлар динимиз рамзи сифатида кўрган сингари. Мухими, шуни ёдда сакламоқ лозимки, у даврда яққахудолик тарафдорлари билан никейчилар ўртасидаги баҳс мавзуси Исо алайхиссаломнинг чормихга тортилгани эмас, балки Исо алайхиссаломни Худо дея эълон қилиш бидъатини эътироф этиш ёки рад қилиш бўлган. Хатто Куръони қаримда ҳам бунга далил бўладиган оятларни топишимиз мумкин. Жумладан, Аллох таоло қуйидагича марҳамат қилади:

«Аллох - Масих ибн Марямдир», - деган қимсалар аниқ кофир бўлдилар...

«Аллох-Учтанинг биридир», деган қимсалар ҳам аниқ кофир бўладилар. («Моида» сураси, 72-73-оятлар)

У даврдаги ихтилоф мазмуни Исо алайхиссаломнинг чормихга тортилгани ёки тортилмаганидан эмас, Исо алайхиссалом Худонинг элчиси бўлганми ёки Худонинг ўзи бўлганми деган баҳсдан иборат бўлган. Гарб манбаларининг деярли бари бир нарсага ишора қилади, у ҳам бўлса, шавкатли ҳокон аёл Елена Бутунжаҳон Никей собори (йигини) ўтганидан кейин, салтанатдаги нуфузидан фойдаланган ҳолда, Ягона Аллохга эътикод қилган аксарият арийчи епископларни сургун қилинган жойидан қайтариб, ўз ўғли Константинни қуршаган даврага қиритиб борган. Ундай рухонийлар орасида Арийнинг кадрдон дўсти Евсевий ҳам бўлган. Евсевий, таъбир жоиз бўлса, ўз даврининг қахрамонларидан бири саналади. У Ягона Аллохга эътикод қилган суриялик қашиш бўлиб, Ливаннинг Байрутида епископлик вазифасини ўтаган. Ўз устози жафоқаш Лукиандан ўрганган насронийлик амалиётига доир кенг билимларга эга бўлишдан ташқари, Евсевий макбул қарорлар қандай қабул қилинишини яхши биладиган оқил дипломат ҳам бўлган. Агар Арий ҳақ йўлни ҳимоя қилиш масаласида, мазкур асарнинг бундан олдинги бобидан билганимиздек, ўз сўзида қаттиқ турадиган, иродаси буқилмас киши сифатида танилган бўлса, Евсевий нисбатан кўнгилчан, устомон бўлган. Никей соборидан сўнг уч йил жазо ўтаган Евсевий 328 йили ҳокон аёл Еленанинг саъй-ҳаракати ила сургун жойидан қайтарилгач, яна Еленанинг воситачилигида император Константин ва унинг атрофидаги Византия салтанатининг қатта амалдорлари даврасига аста қириб борди. Шу тариқа Евсевий император Константин билан Исо алайхиссаломнинг монотеизмга асосланган асл таълимоти ҳақида хотиржам баҳс юрита бошлади. Тарихий ҳужжатларда Евсевийнинг император Буюк Константинга

йўллаган номасидан олинган парча келтирилади. Ўша номада Евсевий Бутун-жахон Никей соборининг қарорини қуфрга чиқариб, ундан қайтишини маълум қилади. Бу ҳужжат бир қатор тарихий манбаларда, жумладан, немисларнинг католик ёзувчиси Матис Хауфманнинг «Ўз ҳаётингни унутма!: Иброҳимнинг Худосига нигоҳ» китобида келтирилади. Хусусан, Евсевий подшоҳга нома йўллаб, унда қуйидаги иқрорини баён этади:

«Биз гуноҳга ботдик, ё ҳукмдор. Кахрингиздан кўриб қуфрга рози бўлдик!»

Рум подшоҳи Буюк Константинга якин шахсга айланган Евсевий Никомедий Арийнинг таълимоти аслида янгилик бўлмай, Исо алай-хиссалом тарғиб қилган таълимотнинг ўзгинаси эканлигини бутпараст ҳукмдорга аста уқтириб борди. Константин Евсевийнинг тўғри гапираётганига ишонч ҳосил қилиб, йигинга жалб этилган қашишларни Никей соборининг қарорини тасдиқлашга мажбурлаш оқибатида насронийликка эргашган тақводорларнинг бошига тушган мусибат қўламини бутунча идрок эта билди. Шунингдек, тамойиллари Худонинг бандалари томонидан овоз бериш орқали шаклланадиган дин Яратувчи Зот туширган диндай бўла олмаслигини тушунган Буюк Константин дарҳақиқат, жуда буюк қарор қабул қилди. У шундай қарор бўлдики, ҳақ йўлга юз тутиб, гумроҳликдан воз кечиш имконини берди. Император ҳамма нарсани ўз жойига қайтаришни истаб қолди, бироқ бу вақтга қелиб диний қучлар мувозанати батамом ўзгариб қетишга улгурган эди. Ахир Никей соборидан кейин «арийчилар» деган тамга босилган муваҳхид қашишларни ўз лавозимларидан четлаштириб, империя черковларига факат никейчи руҳонийларни тайинлаб ташлаган инсон подшоҳнинг шахсан ўзи эмасмиди? Никейчилар ҳам, ўз навбатида, арийчиларни юрган йўлида таъқиб қилиб, қийноққа солишган. Оқибатда шундай бир вазият қарор топган эдики, агар никейчиларнинг диний ҳокимиятига таҳдид қилинадиган бўлса, императорнинг сиёсий ҳокимиятига нисбатан ҳам таҳдид тугилади.

Шундай бўлса-да, император Константин юзага қелишига ўзи сабабчи бўлган ушбу ҳолатни тағ-томири билан йўқ қилишга аҳд қилди. Евсевийнинг ёрдами билан аста-секин никейчиларнинг тағига совуқ сув қуя бошлайди. Буюк император ҳақиқатан ҳам насронийликнинг аянчи аҳволини яхшилашга қиришади. Никейчиларнинг уч нафар энг йирик дохийларини эҳтиётлик билан даф қилишга эришади.

Жумладан, 330 йили қатталиги бўйича империяда учинчи ўринда гурадиган Антиохий шаҳри епископи Евстафийни лавозимидан четлаштиради.

Орадан яна 5 йил ўтиб никейчиларнинг бош раҳнамоси, яқка худоликнинг энг биринчи душмани, Никей соборидан кейин Искандария епископи рутбасига эга бўлиб олган Афанасийни ҳам ағдарди. Хусусан, 335 йили Ливанда Тир собори ўтказилиб, унда Афанасийнинг қарданига юкланган айбловлар, яъни епископнинг шахсан ўзи черковга оид одоб-ахлоқ меъёрларини бузгани ва молиявий коррупция билан боглик гуноҳлари қўриб чиқилди. Бундай айбловлар билан Искандария насронийлари сўзга чиқиб, Афанасий мисрликлар зиммасига қонунга ҳилоф солиқлар қолганини, бундан ташқари, епископлардан бирининг ўлдирилишига, Афанасий болалигида ўрганган фиръавнларга ҳос сехр-жоду таомилида қойдаланиш мақсадида марҳум епископнинг қўли қопиб олинишига бевосита даҳли қорлигини маълум қилишди. Собор мажлислари давомида ушбу айбловлар ўз тасдиғини топди. Афанасий насроний ҳакамлар томонидан суд қилиниб Искандария черковини бошқариш лавозимидан четлаштирилди ва Германиянинг Трир шаҳрига сургун қилинди.

336 йили император Константин Исо алайхиссаломни илоҳийлаштириш бидъатига

тарафдор бўлган йирик рухонийлардан бири Маркел Анкирни ҳам лавозимидан четлаштирди.

Кўрилган ушбу чоралар натижасида салтанатда яккахудоликнинг жасур химоячиси Арийни сургун жойидан кайтариш учун кулай мухит қарор топди. Император Константин Арийни подшоҳликнинг янги пойтахти, қадимий Византия харобалари ўрнига қурилган Константинополь шаҳрига чақиртирди. Шундай қилиб, узок йиллар давом этган қурашдан сўнг, муваххид-қаҳрамон Арий 336 йили империя пойтахтига етиб келди. Уни император Константиннинг шахсан ўзи ўз қасрида қарши олди. У ердан Арий Евсевий Никомедий бошчилигидаги дўстлари ҳамроҳлигида тантанали юришла чиқди.

Бирок Арий подшоҳ қасрининг остонасидан хатлаб чиққач дахшатли ходиса рўй берди... Арий Константинополда ўтказган қиска вақт давомида нима билан машғул бўлгани бизга аниқ маълум эмас. Бирок тарихий манбалардан шуни тушундикки, император Константин Константинополь епископи Александрга Арийни қабул қилиш билан боғлиқ маросимни муносиб ташкиллаштириш, уни черков акидаларига мос келадиган ичимлик ва таомлар билан меҳмон қилиб, насронийларда қабул қилинган таомилга мувофиқ черков қавмига таништиришни буюрган. Шундан сўнг Арий уни қувончла қарши олаётган шаҳарликларни қутлаш учун кўчага, тантанавор юришга чиққан. Бундай юриш давомида Арий қутилмаганда қучли қорин оғриғини ҳис этган, ичи қаттиқ бузилган, ичак-човоғи дош бериб бўлмас оғриқла ёрилиб, кўп қон йўқотган ва охири йиқилиб, қон таслим қилган... Исо алайхиссаломнинг динини бузганлар йўлида узок йиллар давомида баҳайбат тоғдай турган, уларга қарши фақат ўз қаломию қаламини ишлатган буюк зот шу тариқа вафот топди. Исо алайхиссаломнинг динини - яккахудолик динини бузишни ният қилган бандалар ҳамиша қардасар бўлиб келган одамдан шу тариқа қутулишди...

Черков рухонийлари бугунги кунда ҳам Арийнинг бундай ўлим топишини «Худо йўллаган жазо» дея изоҳлаб қилишади. Унинг ўлимини улар Исо алайхиссаломнинг илохийлигини рад этгани учун теккан қарғишу тавқи лаънат сифатида талқин қилишади. Бу эса ўзининг диний расмларида Арийни қонга беланган ҳолатда тасвирлашни бас қилмаётган черков бировнинг ўлимидан ичқораликла севинишини кўрсатади.

Черковнинг бундай қўлдирмаларини бир қетга қўриб қараладиган бўлса, тиббиётдан биров хабари бор ҳар қандай киши юқорида тавсифланган аломатлар организмнинг оғир хазм қилиш тизимини ишдан қилган қучли захарланиш аломатларидан ўзга нарса эмаслигини ҳеч бир қийинчиликсиз тушуниб етати.

Шундай қилиб, 336 йилнинг қўнларидан бирида, Византия империясининг бугунги кунда Истанбул деб қўмланадиган пойтахти Константинополь шаҳрида қасдон ёшни қоралаган, умрини оташин қураш. сургун ва муҳтожликда ўтказган қаҳрамон қариямизнинг абадий қўз юмиш вақти етди. Арий ҳаёт йўлида ўқраган қийинчиликлар олдида ҳақ қачон бош эгмади. Дунё бўйлаб узок йиллар давомида муваххидликка қўват қилиб келган оғзини мажбуран қўндиришга ўринганлар олдида ҳеч қачон таслим бўлмади. Жафокаш Лукианнинг шогирди, муваххидликнинг насроний қаҳрамони, Ягона Аллоҳга эътиқод қилганлар партиясининг ўз қавридаги бош қарнамози боқий дунёга қеладиган қўн етди. Ливияда дунёга қелиб, қўрраи қаминдаги қазиятни ўзқартириб юборган ушбу қарқар бақодир Аллоҳ таолонинг қарҳамати томон йўл олди... Арий... Исо алайхиссаломнинг қинига, қъни Ягона Атлоҳга, Аллоҳнинг бизга туширган муқамал қини - Ислоқ қинига қўрсатган ёрдами учун Аллоҳ таоло уни ажр-қавоблар ила қисёр муқофотласин, Қирдавс қаннатининг қексин қогларидан қой қерсин.

Арийни қим захарлаганини биз аниқ қилмаймиз, бирок қотиллик ижросида

Константинополь епископи Александрнинг кўли борлигига шахсан мен шубха килмайман. Афтидан, у подшоҳ Константин Арийга империя пойтахтининг епископи лавозимини таклиф қилишга тайёрлигини фахмлаган бўлса керак. Юкорида айтилгандек, подшоҳ йирик никейчи-епископларни алмаштиришга улгурган бўлиб, ўз лавозимини бўшатиб, Арийга топшириш навбати энди Александрга етган кўринади. Шуни ҳам кўшимча қилмоқ жоизки, Александр 325 йили ўтказилган Бутунжаҳон Никей соборида Византия шахри епископининг ўринбосари сифатида иштирок этган никейчи раҳнамолардан бири бўлган ўша қадимий шаҳар ўрнида юкорида айтилгандек, янги пойтахт Константинополь бунёд этилган). Александрга нисбатан тугилган гумонни қучайтирадиган яна бир ҳолат - афтидан, хиёнаткорона амалга оширган қотиллиги учун мукофот тариқасида бўлса керак, черков унга кейинчалик авлиё унвонини бергани бўлди.

Муваҳхидликнинг бош раҳнамоси бўлмиш Арийни ўлдирган душманлар Ягона Аллоҳга насронийча даъват муаммоси бартараф этилганига қомил ишонч ҳосил қилишган бир вақтда, ҳусусан, қотиллик содир этилган санадан бир неча ой ўтгач, ажиб бир ҳодиса юз берди. 337 йили император Буюк Константин Ислоний подшоҳ эканлигини очик-ойдин эълон қилди. Ҳусусан, у Ягона Аллоҳга асосланган бўлиб, тарихий қитобларда арийчилар дини номи ила маълум бўлган христианлик динини қабул қилгани ҳақида расман баёнот берди. Шундай қилиб Константин башарият тарихида Византиянинг биринчи мусулмон императори бўлди.

Мантиска қанчалик зид бўлмасин, жаҳон черковларининг бари насронийликка қирган подшоҳ Константинни энг нуфузли авлиёлардан бири сифатида эътироф эта бошлади.

Аслида бу - замирида қип-қизил ёлгон никобланган ҳақиқатдан ўзга нарса бўлмаган.

Константин чиндан ҳам христианликни қабул қилган, лекин у насронийликнинг бузилган

никей талқинини эмас, Ягона Аллоҳга асосланган ҳақиқий христианликка қирган. Ҳар

қандай бошқа одамдан кўра черков руҳонийлари буни жуда яхши билишади, лекин ўз

тарихини яхши билмай-диган ақсарият христианлардан сир тутишади (таассуфки,

мусулмонлар орасида ҳам ўз тарихидан беҳабарлар кўп учрайди). Агар бугунги

христианлар ўз тарихи ҳақидаги қитобларни кўпроқ мутолаа қилишса, ҳар қандай

насроний тарихшунос, у ўтмишда ўтган олим ёки замондош бўлсин, император

Константинни христиан динига қиритиш таомили унинг дўсти, Ягона Аллоҳга эргашган

Евсевий Никомедий раҳбарлигида ўтгани ҳақида ҳабар беришини билиб олишади.

Бугунги черковларнинг бари Евсевийни Арийнинг ўлиmidан сўнг, арийчиларга

раҳнамолик қилган шахс сифатида эътироф этиб, «Арийчиликнинг жангари дохийси»,

деб билади. Бас шундай экан, асосли бир савол тугилади: нима учун император христиан

динига қиритиш таомилини шахсан Евсевий Никомедий бошқаришини истаган? Черков

бунга пухта, ишонарли жавоб берса мақбул иш бўлар эди!

Умрининг сўнгги йилларини яшаётган император Буюк Константиннинг юриш-туришидан

шу нарса равшан бўладики, Никей соборидан кейин қиска вақт ўтгач, Исо

алайхиссаломга ва унинг яққаҳудоликка асосланган таълимотига иймон қелтирган ушбу

ҳукмдор аслида Христиан динини эмас Ислонни қабул қилган. Бироқ бу ҳақда, афтидан,

Евсевийнинг тавсиясига кўра бўлса керак, эҳтиёткорлик нуктаи назаридан, расман

баёнот бермайдди. Императорнинг арийчиликни қабул қилгани ҳақидаги расмий ҳабар,

юкорида таъкидлаб ўтилгандек, Никей соборидан кейин қескин қуч олган никейчи

епископлар орасида норозилик муҳити юзага қелишининг эҳтимоллиги юкори бўлган. Шу

боис у никейчиларнинг илдизини сиёсий галаёнлар кўтармаган тарзда аста-секин

қуритиш мақсадида Ислонга қирганини вақтинча бекитишни афзал қўрган.

Тарихий маълумотларга кўра, Румнинг мусулмон императори Константин 337 йил 22 май куни Никомедия шаҳрида, епископ дўсти Евсевийнинг хузурида Аллох таолонинг даргохига йўл олган (Худо раҳмат килсин уни).

Имом Ибн Хазм Андалусийнинг фикрича, Константин Аллохга бўлган чин эътиқодга эргашганча жон берган. Жумладан, у ўзининг «Ал-фаслу фил милоли вал-ахваи ван-нихол» («Динлар, адашишлар ва фиркаларга оид изоҳлар») асарида куйидагиларни маълум килади:

Насронийлар жумласига Искандариядан чиккан, Худонинг мутлак ягоналигини, Исо алайхиссалом илохий сиймо эмас, Худо яратган банда холослигини, унинг Рухуллохлиги, еру осмон Аллох таолонинг каломи ила яратилгани каби дунёга келганини таъкидлаган кашиш Хрийнинг издошларидан ташкил топган гуруҳ ҳам киради. Ушбу кашиш Константинополни бунёд этган, Рум подшоҳдари орасида насронийликни биринчи бўлиб Арий таълимотига мувофик қабул килган Константин Биринчи замонида яшаган».(Мазкур бобнинг эпиграфига қаранг.)

Гарбнинг тарихшунос олими Марк Эллингсен ўзининг йирик тарихий обзор шаклида битган «Мозийга нигоҳ» асарида ёзишича:

«Константин ва унинг давомчилари тринитаризмга даъват этган никейчи раҳнамоларнинг ҳаётини нихоятда аянчи аҳволга солиб қўйди»

Аллох таоло мусулмон император Буюк Константинни Ўз раҳматиға олиб, Фирдавс жаннатининг чексиз боғларидан жой берсин.

Император Буюк Константиннинг вафотидан сўнг нима бўлди? Музаххид-арийчилар билан никейчиларнинг орасидаги можаро қандай эивож топди? Тарихда илк бор «Муқаддас Учлик»нинг қайси тамойили христианликка жорий этилди? Қайси мусулмон император Исломни Шарқдан Гарбга оммалаштириб юборди?

Асарнинг кейинги бир нечта саҳифасини ўқиб чиқар экансиз, нақадар муҳим маълумотлар банибашардан, айниқса, христианлардан сир тутилганини билиб оласиз.

Ат-Туробийнинг

"Ислом умматининг 100 буюк шахси" китобидан